

ЛЕНИН ВАСИЯТЛАРИ АМАЛДА:

БИЗ ДУНЁДА БИРИНЧИ БЎЛИБ СОЦИАЛИЗМ ҚУРДИК, БИРИНЧИ БЎЛИБ КОСМОСГА
ЙЎЛ ОЧДИК. БИЗНИНГ МАМЛАКАТИМИЗ КОММУНИЗМГА ҲАМ БИРИНЧИ БЎЛИБ БОРМОҚДА.

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ,
МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

8-ЙИЛ ЧИҚИШИ

№ 157 (1935)

10

АВГУСТ

ПАЙШАНБА

1961 ЙИЛ

БАҲОСИ
2 ТИЙИН

КОСМОС ҚАҲРАМОНИ ГЕРМАН ТИТОВНИ БУТУН ХАЛҚ, БУТУН МАМЛАКАТ ОЛҚИШЛАМОҚДА



Совет халқининг жасур фарзанди, космосни забт этган йўлда мисли қўрилмаган жасорат кўрсатган космонавт-учувчи майор Герман Степанович Титов она-Ерга қайтиб тушган, кутиб олиш учун аэродромга чиққан ватандошларнинг қизини табрикламоқда.

ТАСС махсус мухбирлари В. Савостьянов ва А. Брынов фотоси.

БИЗ КОСМИК ФАЗОНИ БЎЙСУНДИРАМИЗ!

Биз Сизни Москвада бутун халқ, бутун мамлакат билан муносиб кутиб оламиз. — Н. С. Хрущев космонавт Герман Титовга шундай деган эди. Бутун мамлакатимизнинг бутун назар-эътибори Москвага қаратилган. Ёлғиз мамлакатимизга эмас, балки бутун планета бу ерда, космонавтлар пойтахтида ўзининг катта байрамини ўтказмоқда.

Ҳар бир космик учиб келган сирларини аниқ эмас, балки янги халқ қаҳрамонининг номини ҳам очиб бермоқда. Апрель ойида жаҳон Юрий Гагаринни таниган эди, август ойида эса, Герман Титовни таниди.

Шаҳар қаҳрамонини сабрсизлик билан кутади. Бу кунги Москва радиоси мислсиз космик рейсининг бошланганлиги ҳақида бутун дунёга хабар берган дақиқалардан оқиб бошланган эди.

Совет кишилари майор Титовнинг космосдан юборган қисқа-қисқа ахборотларини ҳеч қачон унутмайдилар, бу ахборотларнинг олдин сўзлари қабиларга қаттиқ татсиб қилди ҳамда ҳаёқон ва ифтихор туйғуларини, галабага ишонч туйғусини тўқиндирди. Кишилар кўчаларга ва майдонларга, Ленин проспектига ана шу хис-туйғулар билан чиқдилар. Шаҳарнинг ана шу жуда гўзал матрас-трали дўстлик трассаси, шараф трассаси, қаҳрамонлар трассаси бўлиб қолди. Энди уш ҳақда равишда космонавтлар трассаси деб аташ мумкин. Қўнаниб бошлан охиригача, то Внуково аэродромигача Юрий Гагарин, Герман Титов портретлари қўйилган. Виноларнинг пенгтоқларида байроқлар,

транспарантлар, шиорлар. Ҳамма жойда космик кемаларнинг қумушсимон моделлари, қаҳрамонга табрик сўзлари ёзилган алвонлар кўзга ташланади.

... Чоғиқ яқинлашади. Бутун Москва соат стрелкаларига қарайди. Одамлар оқими Внуково аэропортига тўлиб борибди. Қаҳрамонни табриклаш учун бу ерда неча минглаб москиликлар келдилар. Ҳамма билан қўлида гул. Аэродромда жамоатчиликнинг кўпгина вакиллари, СССР ва Россия Федерациясининг министрлари, давлат қўмитетларининг раислари, КПСС Марказий Комитетининг аъзолари, Совет Иттифоқи Маршаллари ва қўшин турларининг маршаллари, пойтахт ҳамда област партия, совет ташкилотларининг раҳбарлари, олимлар, маданият арбоблари тўпландилар.

Кутиб олувчилар орасида дипломатик корпус аъзолари, совет ва чет эл журналистлари ҳам бор эди. Л. И. Брежнев, Н. С. Хрущев, Ф. Р. Козлов, А. Н. Микоян, Н. А. Мухомадеев, Д. С. Поляков, Я. Э. Калинин, Г. И. Воронов ўртоқлар, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари А. Ф. Засядько, В. Н. Новиков, Д. Ф. Устинов, К. Н. Руднев, СССР Олий Совети Президиумининг аъзолари А. А. Андреев, С. М. Будённый, К. Е. Ворошилов, Вьетнам Демократик Республикасининг баш мистри ва ташкилотлар министри, Вьетнам Мехнаткашлар партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг

аъзоси Фам Ван Донг аэродромга келдилар.

Никита Сергеевич Хрущев, Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг раҳбарлари Г. С. Титовнинг қариндошлари ёнига борибдилар. Никита Сергеевич қаҳрамонининг онаси Александр Михайловнанинг қўлини қисади ва унинг фарзанди аjoyиб қаҳрамонлик кўрсатганлигини айтиди. У, шунингдек қаҳрамоннинг отаси Степан Павлович ва рафиқаси Тамара Васильевнани табриклиди. Космонавтининг отаси, онаси ва рафиқаси хаяжонданиб, табрик учун ташаккур айтибдилар.

Никита Сергеевич Юрий Гагаринга ҳазиллашиб, Сизнинг қўлингиз энгиз экан, дейди. Гагарин космосга йўл очиб берди, энди эса, биринчи космонавтдан унинг ўртоғи намуна олди.

Н. С. Хрущев, Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг раҳбарлари, Ю. А. Гагарин ёздаги учун Герман Титовнинг қариндошлари билан биргаликда суратга тунабдилар. Соат стрелкалари кундуз соат бирга яқинлашди. Тўлганганлар тез-тез осмонга қараб қўйдилар. Ниҳоят, кўзга қумушсимон ИЛ-18 самолёти пайдо бўлди. Бу самолёт бортида қаҳрамон келаяптир. Самолёт худди параддагидек илгирлаб самолётларнинг фахрий эскорти билан биргаликда келмоқда. Бу ҳарбийларча ҳурмат социалистик Ватанимиз содиқ фарзанди кўрсатган жасоратининг улутворлигини таъкидлайди. Ҳаё лайнери ерга қўнади. Самолёт тобора яқинлашади, Трап

қўйилади. Эшик очилиб, у ерда қаҳрамон космонавт пайдо бўлади. Гулдурос қарсақлар, табрик хитоблари, «ура» овозлари янграйди. Марш чалина бошлади. Г. С. Титов зинапойлардан тушиб, тилан поёндоздан юриб келади. Мингларча ҳаяжонли кўзлар унга қараб турибди.

Г. С. Титов Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг раҳбарлари, космонавтининг қариндошлари турган ва байрамдагидек безатилган минбарга қўйилди. Қарсақлар бир дақиқа ҳам тинмади.

Майор Титов минбарга чиқиб, Никита Сергеевич Хрущевга раво рапорт берди:

«Ўртоқ Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси, Сизга маълум қиламанки, Марказий Комитет ва Совет ҳукуматининг топшириғи бажарибди.

«Восток-2» йўлдош кемасида 1961 йил олтинчи ва еттинчи август кунлари 25 соатлик космик учиб амалга оширилди. Ер шаро атро-

фини 17 мартадан кўпроқ айланиб чиқдим ва аниқ белгиланган районда эсон-омон ерга қўндим.

Космик кеманинг ҳамма ускуна-лари беиқсон ишлади. Ўзимни жуда яхши ҳис қилмоқдам. Партия ва ҳукуматнинг ҳар қандай топшириғини бажаришга тайёрман. Майор Титов».

Никита Сергеевич Титовни ота-ларча қучоқлаб, уни Ватанимизнинг азиз ва севимли фарзанди сифатида ўз бағрига босди. Герман Титовнинг рафиқаси, ота-онаси, синглиси, рафиқасининг ота-оналари уни қучоқлаб ўпадилар. Хотин-қизлар тийиш мумкин бўлмаган кўз ёшларини артадилар.

Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг раҳбарлари тинч-чиқди, инсониятнинг умумий бахт-саодати ва тараққиёти йўлида буюк жасорат кўрсатган космонавт қаҳрамонининг қўлини қисадилад.

Москвадаги барча болаларнинг бутунги энг бахтиёрлари — бир гуруҳа пионерлар, шунингдек қизлар Герман Титовга, Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг раҳбарларига, минбардаги ҳамма

кишиларга гулдасталар тақдим этибдилар.

Аэродромда Совет Иттифоқи давлат гимнининг садолари янграйди.

Н. С. Хрущев, Г. С. Титов ва Ю. А. Гагарин, Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг раҳбарлари москиликлар қаторига томон йўл олабдилар. Яна қарсақлар, ана «ура» овозлари, чин қалбдан чиққан табрик, дўстлик сўзлари, сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ва муваффақият тилаб айtilган истаклар янграйди. Авиация бош маршали К. А. Вершинин космонавт қаҳрамонини қучоқлайди. У, қаҳрамонни барча совет ҳарбий учувчилари номидан қучоқлайди. Герман Титов ана шу ҳарбий учувчилар сафида ҳаёо пилотажининг мохир устаси сифатида ўсиб етишди ва космосга учиб, таъбирларик кўрди.

Гулдурос қарсақлар остида Н. С. Хрущев, Герман Титов ва унинг рафиқаси Тамара гул подолари билан безатилган очик машинага чиқадилар.

Космонавтининг аэродромдан пойтахтга борадиган йўли Ўрта Россия текислиги бўйича, ўрмонлар ва далалар орқали ўтади. Бутун йўл давомида космонавт қаҳрамонини мингларча москиликлар ва уларнинг меҳмонлари қизғин табриклидилар.

Боровицкий дарвозаси — байрам трассасининг охириги участкаси. Ҳамма сабрсизлик билан кутиб келибди турибди. Фотомухбирлар, кинооператорлар, фотоҳаваскорлар (буғун фотоҳаваскорлар айниқса кўпайиб кетган эди) кўзга жойларни эгаллашга шошилар эдилар.

Гулла билан безатилган очик машина мотоциклчиларнинг фахрий эскорти ҳамроҳлигида пайдо бўлади. Герман Степанович Титов ва унинг рафиқаси москиликлар табриклидилар. Уларнинг ёнида Н. С. Хрущев табассум қилиб турибди.

Қўзларча кишиларнинг табрик садолари остида машина Кремлин Боровицкий дарвозасига қириб кетади. (ТАСС).

Старт майдони—социализм

ТАНТАНАЛАР МАРКАЗИ—ҚИЗИЛ МАЙДОНДА

□ □ □

рацияси Олий Советларининг депутатлари, Совет Армиясининг жангчилари, чет эллик меҳмонлар турибдилар. Дипломатик корпуснинг жуда кўп вакиллари ҳозир бўлибдилар.

Космонавтлар Юрий Гагарин ва Герман Титов билан бирга Н. С. Хрущев, Л. И. Брежнев, Н. Г. Игнатов, Ф. Р. Козлов, А. И. Микоян, Н. А. Мухомадеев, Д. С. Поляков, Я. Э. Калинин, Г. И. Воронов ўртоқлар, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси К. Е. Ворошилов Мавзолей минбарига чиққанлариди. Қизил майдонда гулдурос қарсақлар янграйди. Испания Коммунистик партиясининг раиси Долорес Ибаррури, Вьетнам Демократик Республикасининг бош мистри ва ташки ишлар министри, Вьетнам Мехнаткашлар партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси Фам Ван Донг, Франция Коммунистик партияси

Сиёсий бюросининг аъзоси ва Франция Компартияси Марказий Комитетининг секретари Жак Дюкло ҳам шу ерда ҳозир бўлибдилар.

Минбарда космонавтининг оила аъзолари турибди.

КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси ва КПСС Марказий Комитетининг секретари Ф. Р. Козлов микрофон ёнига келади. У, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг топшириғига биноан, Москва шаҳар меҳнаткашларнинг совет фани ва техникаси эришган янги мислсиз галабига бағишлаган митингини очди.

Москиликлар кўз олдида, ўн мингларча кишиларнинг хаяжон тўла кўзлари олдиди қаҳрамон учувчи Герман Титов намоён бўлади. Ф. Р. Козлов унга сўз беради. Майдонда гулдурос қарсақлар бошланади.

риш учун ҳамма зарур нарсаларга эга.

Мен ҳарбий учувчи сифатида Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг ҳар қандай топшириғини бажаришга тайёрман.

«Восток-2» космик кемаси — аjoyиб кемадир. У, пухта ишлайдиган янги яхши техника билан, мукаммал аппаратлар билан таъминланган. Бу аппаратлар 25 соат 18 минут давом этган учиб вақтида пухта ишлади.

Ана шу аjoyиб техника ижодкорларнинг ҳар бирини қаттиқ қучоқлаб келади. Кема Ер атрофини ўн етти ким марта айланиб чиққан давр ичида мен гоҳ қимматли кузатишлар қилиш имконига эга бўлидим. Бу кузатишлар катта илмий ва амалий аҳамиятга эгадир. Кемалада ҳамма системаларнинг шу жумладан ундаги ерга қўниш системасининг ҳаракати тўла автоматлаштирилган. Қўл билан бошқаришга ҳам ўтиш мумкин. Бунида кема осон ва ишончли равишда бошқарилади. Бу эса, космонавта йўлдош кемани ер юзининг ҳар қандай нуқта-сира қўнанишга имкон беради.

Мен «Восток-2» йўлдош кемасининг белгиланган районда аниқ қўнганлигини айтиш билан ҳурсандим. Радио алоқаси шу қалар яхши ишладик, мен учининг бош-ида то охиригача орбитанинг ҳар бир нуқтасида жоначон Ватаним билан алоқа қилиб туриш имконига эга бўлидим.

Ер атрофини ҳар сафар айланиб чиққанга мен ўз сенили Ватанимни унинг беёён далаларига қараб доимо таниб турдим. Кундузи мен тоғ ва океанларнинг яқин фойдаланган чизиларига қараб, қитъаларни бемаъл қўрдим, кечаси эса, катта шаҳарларнинг чироқларини кўрдим.

(Давоми кичкин бетда).

КАТТА КРЕМЛЬ САРОЙИДА ҚАБУЛ МАРОСИМИ

МОСКВА, 9 август, (ТАСС). КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети одамнинг космик фазога яна учинини таъминлаган олимлар, конструкторлар, инженерлар, техниклар ва ишчиларнинг буюк жасорати шарафига, космонавт-учувчи Герман Степанович Титов шарафига бутун Катта Кремль саройининг Георгиевский залида қабул маросими ўтказилди.

Қабул маросимида Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг раҳбарлари, давлат ва жамоат арбоблари, Москва жамоатчилигининг вакиллари, шунингдек космосни забт этган соҳасида иш олиб бораётган аjoyиб совет ватанпарварлари ҳозир бўлибдилар.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

СОВЕТ КОСМОНАВТ-УЧУВЧИСИ МАЙОР Г. С. ТИТОВГА
СОВЕТ ИТТИФОҚИ ҚАҲРАМОНИ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

«Восток-2» йўлдош кемасида космосга гоҳат буюк учини амалга оширганлиги учун космонавт-учувчи майор Герман Степанович Титовга СОВЕТ ИТТИФОҚИ ҚАҲРАМОНИ УНВОНИ БЕРИЛИБ, ЛЕНИН ордени ҳамда «ОЛТИН ЮЛДУЗ» медални топирилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. БРЕЖНЕВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль

1961 йил 9 август.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

УЧУВЧИ МАЙОР Г. С. ТИТОВГА «СССР КОСМОНАВТ-УЧУВЧИСИ» УНВОНИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

«Восток-2» йўлдош кемасида космик учини амалга оширганлиги учун Совет Иттифоқи граждани учувчи майор Герман Степанович ТИТОВГА «СССР КОСМОНАВТ-УЧУВЧИСИ» унвони берилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. БРЕЖНЕВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль

1961 йил 9 август.

Севиқли Ватанимизнинг қудратини мустаҳкамлайлик!



УРУШГА ЙЎЛ ҚЎЙМАЙМИЗ!



П. Шестаков ишлаган плакат.

Фанимиз янги кашфиётлар билан бойийди

6 август кун совет кишининг космос парвоз қилганлиги ҳақидаги хушхабар бутун жаҳон бўйлаб тарқалди. Совет граждани майор Герман Степанович Титовнинг бу мардонавор жасорати ҳамма қойил қолдири. Замонамизнинг ҳақиқий қаҳрамони ўртоқ Титовнинг 25 соатдан сал кўпроқ вақт мобайнида ер шарини 17 марта айланиб чиқиши ва ўзига топирилган жанговар ваифани муваффиқият билан бажариб, ер юзига соғ-саломат қайтиши кимни қувонтирмайди дейсан!

Майор Титовнинг бу галабаси бутун совет халқининг муваффақиятидир. Совет кишининг яна космосга парвоз этишига ва у фазонин чуқурроқ ўрганиб қайтишига ишончимиз комил эди. Биз ана шу кунни кўршига мусалас бўлаолдик.

Биз, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси техника фанлари бўлимининг ходимлари «Восток-2» паровалини яратган олимлар, конструктор ва илмий-техник ходимларини, шунингдек, жаҳонда иккинчи космонавт доврак ўртоқ Титовни қизгин табриқлаймиз.

Кейинги ўн кун ичида жуда ҳаяжонли кунларни бошдан кечирмоқдамиз. Партиямиз Программаси ва Устави проектарининг эълон қилиниши совет халқини янада янги зафарларга илҳомлантди. Фазага иккинчи марта совет кишининг учини эса совет фани ва техникасининг ривақи, истибқолини яна бир бор намоиш қилди. Бу дадил қадам фанимизни янги-янги кашфиётлар билан бойитида, албатта.

С. МУСАЕВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси техника фанлари бўлимининг илмий секретари.

Герман ТИТОВ номли меҳнат вахтаси

ОҲАНГАРОН. (ЎзТАГ). «Ўзбекистон» комбинатида қарашли қўмир разрез ва 9-шахта қончилари космонавт учувчи Герман Титов номли уч кунлик меҳнат вахтасида туриб ишлашга қарор қилдилар. Экскаватор машинисти В. Френкель бригадаси қўмир разрезинда бир суткада пландаги 1550 тонна ўрнига 3560 тонна қўмир қазиб чиқарди. Олтинчи августда шахтада тозалаш забойидаги Х. Ажимуродов бригадаси ҳаммадан яхши меҳнат қилиб, сменада топиридан ташқари 200 тоннадан ортиқ қўмир берди. Бригада ўзига жасур космонавт Герман Титов номи берилишини комбинат раҳбарларидан сўради.

Смена охири. Тошкент электрокабель заводининг шнур ва сим цехидаги машиналар тўхтатилиши билан бутун коллектив СССР Министрлар Совети Раиси Никита Сергеевич Хрущевнинг Москва радиоси ва телевидениеси орқали сўзлаган нутқида бағишланган митингга тўпланди. Бундан олдинги кунни улар Никита Сергеевичнинг асосий халқаро проблемалар юзасидан Совет ҳукуматининг позициясини баён этиб берган нутқини зўр эътибор билан тинглаган эдилар.

— Ўртоқ Хрущев ўз нутқида бошқа социалистик мамлакатлар сингари Совет Иттифоқи ҳам урушдан асло манфаддор эмас, шу билан бирга, у империалистлар томонидан уруш бошлаб юборилишига мутлақо йўл қўймаслиги учун ҳамма чораларни қўймоқда, деганида бутун халқимизнинг фикрини ифодалади. — деди ўз нутқида агаратчи И. Ф. Чеботарев. — Биз тинчлик тарафдорларимиз ва коммунистик жамият қуришнинг КПСС янги Программаси проектида белгилаб берилган улдувдор плани билан танишганда бутун дунё бунга ишонч ҳосил қилмоқда. Ҳозирги вақтда ҳаммамиз Ватанимизнинг шонли оқибатини, коммунист Герман Степанович Титовнинг буюк қаҳрамонлиги таъсири остидамыз. Мислсиз космик парвоз Совет давлатининг куч-қудратини, овоз социалистик жамият халқининг заковатини яна бир марта намоиш қилиб кўрсатди. Янги уруш оловини ёқишга уринувчилар шу нарсани унутмасинларки, бу куч-қудратдан

агрессорни жилаб қўйиш учун фойдаланилиши мумкин.

— Бутун инсониятнинг порлоқ орауси сари олға боришимизга ҳеч ким ва ҳеч нарсга ҳалақит беролмайди. — деди митингда қорхона ишчиси М. Расулова. — Ҳамма билсинки, биз ҳам тинчлик йўлида бундан буён ҳам зўр ғайрат билан меҳнат қиламиз, янги урушнинг олдини олиш ва ер юзиди тинчлигини сақлаб қолиш учун бутун совет халқи бор кучини сарфлайди. Германия билан ўзлабидан сузаш шартномаси агрессорларнинг йўлини тўсганидан кучли гавлардан бири бўлсин. Съезд олди вахтаси кунларида биз кабелчилар етти йилликнинг буюк қурилишларига узлуksиз равишда энг юқори сифатли маҳсулот бериб туриш мажбуриятини оламиз.

Митингга сўзга чиққан А. М. Расулов, А. Т. Ардиновский ва бошқа ишчилар Никита Сергеевич Хрущевнинг нутқини, партия ва ҳукуматнинг Ватанимиз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашга қаратилган тадбирларини қизгин маъқулладилар.

Митинг қатнашчилари яқинлик билан қабул қилинган резолюцияда Совет ҳукуматининг ташқи ва ички сийсатини тамомла қўлаб-қувватладилар, тинчлик ва тараққиёт маънаси бўлган Совет Ватанимиз янада қудратли бўлиши учун куч ва ғайратларини алмасдан, вақт билан ҳисоблашмасдан меҳнат қилишга қарор бердилар. (ЎзТАГ).

ТИНЧЛИККА ДАЪВАТ

ҳал этиш, Ғарбий Берлиндаги нормал бўлмаган аҳолини бартараф қилиш ва шу асосда Европанинг марказида вужудга келган уруш ҳавфининг олдини олишга қаратилган тақдирларни чуқур баён этиб бердилар.

Лекин Америка империалистлари бошчиқ Ғарб давлатларининг ҳукуматлари бу оқибда тақдирга қарши чиқмоқдалар. Улар Ғарбий Германия реваншистларини зўр бериб қўроллантarmoқдалар ва рағбатлантarmoқдалар, Ғарбий Берлинни эса фашист илгогарларининг уясига, уруш ўчоғига айлантирmoқдалар. Улар бу масаладан янги жаҳон урушини бошлаш учун бир баҳона сиқини фойдаланmoқчи бўлаётдилар.

Мен Улур Ватан урушининг қатнашчисман. Уруш нималигини, у қандай офатлар келтиришини яхши биламан. Уруш туйфали янавад

бўлиб қолдим. Мен бутун вужудим билан урушга қаршиман.

Айю империалистлар шунин билан кўйс иларки, агар улар уруш чиқардудек бўлсалар, умри тугаб бораётган капиталистик система муқаррар равишда ҳалокатга учрайди. Чунки ҳозирги вақтда дунёда социалистик лагерни енгаоладиган куч йўқ. У ҳар қандай душманга қарши патчи зарба бериш ва уни йўқ қилиб ташлаш учун барча воситаларга эга.

Ўртоқ Хрущев нутқида олдинги суришдан ва ҳукуматини тинчликсеварлик сийсатининг ифодаси бўлган тақдирларини бутун совет халқи қатери мен ҳам тўла маъқуллаймам. Империалистлар шарманда-ю-шармасор бўладилар, тинчлик иши танта-на қилади.

В. МУСАЕВ,
Улур Ватан урушининг инвадиди.

ҚАЛБИМИЗ ШУНГА УНДАЙДИ

Ўртоқ Никита Сергеевич Хрущевнинг мамлакатимиз ички ва ташқи аҳолини қонғ шарҳлаб берган мазмуни нутқини фабрика ишчилари, хизматчилари ва инженер-техник ходимлари катта эътибор билан тингладилар. Социализм системасининг кучи тобора ўсиб бораётган пайтда, фазага Ю. А. Гагарин ва Г. С. Титовдек баҳодир совет ўғлонлари парвоз этиб турган бир пайтда Ғарбдаги баъзи бир империалистик доиралар бунин қўроллантдилар. Улар зўр бериб қўролланш ва янги жаҳон урушини бошлаб юбориш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Бироқ биз совет меҳнаткашлари, бунга йўл қўймаймиз!

Ўртоқ Н. С. Хрущевнинг радио орқали сўзлаган нутқидан ҳамда азиз ватандошимиз Герман Степа

Ҳамма халқлар куч ва ғайрат сарфлаганлари тақдирдагина бунинг натижасида агрессор жилаб қўйилиши мумкин ва биз инсониятни учунчи жаҳон уруши хавфидан қутқариб қоламиз.

(Н. С. Хрущевнинг 1961 йил 7 августда радио ва телевидение орқали сўзлаган нутқидан).

ОЛИМЛАР СЎЗИ

Никита Сергеевич Хрущевнинг нутқи Ўзбекистон фан штаби — республика Фанлар Академиясида қизгин муҳокама қилинmoқда. Химия институтлари ходимларининг митингиди кўп киши қатнашди.

Полимерлар химияси институтининг кичик илмий ходими Ойпошша Нуриддинова ҳаяжонланиб бундай деди:

— Никита Сергеевич бутун совет халқи номидан гапирди. Мен, бутун дунёда тинчлигининг таличи, бутун ер юзининг умиди бўлган давлатимиз билан фахрланаман!

Усимлик хомашёси институтининг ходими, химия фанлари доктори Наил Абулбакиров қуйидагиларни айтди:

— Тинчликини қаттиқ туриб химия қилмоқ учун уруш бошламоқчи бўлганларнинг қаттиқ жилаб қўйиш керак. Никита Сергеевич, халқ ахтирларидан кўра, фойда тўлашининг пайига тушиб қолган фаросатсиз сийбонларга фойдали ва қаттиқ сабаб бериб.

Полимерлар институтининг директори Ҳамдам Усмонов бундай деди:

— Космосга парвоз қилган «Восток-2» кемасини яратишда пахта мизининг ҳам ҳиссаси борлиги билан фахрланамиз. Бунда ажабланидиган ҳеч нарсга йўқ, ахир, пахтадан жуда кўп материаллар — пластмассалар, пленкалар, ёпиш материаллари, техниканинг турли соҳалари учун, шу жумладан космик кемалар ясаш учун керакли материаллар ҳосил қилинади-ку. Бу эса, мамлакатимизнинг асосий пахта қони бўлган Ўзбекистон социалистик Ватанининг қудратини мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшаётганлигини исбот этувчи далилларнинг биридир. Республика

миз донгини оширган пахта хомашёсининг янги имкониятларини қилиб топши — олимларимизнинг бурчидир. Коммунистик партия химия фанини ривожлантириш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилмоқда. Химия фани пахтадан кўпгина янги маҳсулотлар олиш имконини беради. Коллективизмнинг Никита Сергеевич Хрущев бутун халқ номидан эълон қилган буюк мақсадга эришиш йўлидаги умумхалқ курашига қўшадиган ҳиссаси шудир.

Физика-математика фанлари кандидати Озод Нисёзова ядро физикаси институтини коллективнинг фикри ва туйғуларини изҳор қилиб, қуйидагиларни айтди:

— Никита Сергеевич Хрущевнинг радио ва телевидение орқали сўзлаган нутқида мамлакатимиз тараққиётининг ва халқаро аҳолининг ҳозирги босқичи аниқ ва равшан таърифлаб берилди. Учунчи жаҳон урушини бошлаб юборишга уринаётган империалистларнинг янги кирдикорлари муносабати билан ҳар бир совет кишини зиммасига қандай жавобгарлик юкланганлигини ҳаммамиз яхши биламиз. Совет ҳукуматининг Ғарбий Берлин масаласи ҳақидаги тақдирлари фаросатли ҳар бир кишига тушунаридир. Бу тақдирлар Европанинг марказида халқаро кескинлигини юмшатишининг бирдан-бир тўғри йўлини кўрсатиб беради. Ер юзиди барча тинчликсевар кишиларнинг қатъий ҳаракати агрессорларни жилаб қўлади, урушининг олдини олади. (ЎзТАГ).

ЯҚДИЛЛИК БИЛАН

Тошкент тўқимачилик комбинатининг коллективни империалистларнинг янги кирдикорлари муносабати билан Ватанимиз мудофаасини мустаҳкамлаш соҳасида партия ва ҳукуматнинг тадбирларини қизгин маъқуллади. Тўқимачилар Н. С. Хрущевнинг нутқида баён этилган бу тадбирларини 8 августда бўлиб ўтган кўп кишилик митингларда яқдиллик билан қўлаб-қувватладилар.

...Комбинатнинг пардозлаш фабрикаси. Тўқилганларнинг ҳечрасида жиддий ва қатъий сезилиб турибди. Нотиқларнинг сўзини ҳамма эътибор билан тинглади.

— Мамлакатимиз, халқимиз шахдам қадам ташлаб муқаддас мақсад — коммунизм сари бормoқда. Никита Сергеевич Хрущев веча ана шу ютуқлар ҳақида гапирди. — Биз ҳеч кимнинг бизга дўғ қилишига йўл қўймаймиз.

Бригаданимизнинг ҳамма аъзолари каби мен ҳам КПСС XXII съезди очилишига қаттиқ тўпирини баъжаришга ваъда бераман.

— Ўртоқлар, мен жоначон Коммунистик партиямизнинг ва Совет ҳукуматимизнинг тинчликсеварлик сийсатини, уларнинг Ватанимиз мудофаа қудратини мустаҳкамлаш соҳасида кўрган тадбирларини яқдиллик билан қўлаб-қувватлаймиз, деб айтсам, фабриканинг ҳамма ходимларининг фикрини ифодалаб бе

ришимга аминман, — дейди фабрика директори В. Г. Емельни. — Империалист йиртқиқларнинг кирдикорларига биз меҳнат соҳасида янги-янги муваффақиятлар билан жавоб берамиз.

— Ишчилардан Шоҳида Акрамова, Бори Зокировлар ҳам мамлакатимиз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш соҳасида партия ва ҳукуматнинг тадбирларини яқдиллик билан маъқуллаб чиқдилар.

Митинг қатнашчилари бир овоздан қабул қилган резолюцияда, жумладан, бундай дейилди: «Биз, пардозлаш фабрикасининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг ташқи сийсатини — халқлар ўртасида тинчлик ва дўстлик сийсатини яқдиллик билан маъқуллаймиз. Лекин бизга ва бутун прогрессив инсониятга уруш хавфи солаётган империалистик реакциянинг қора кучлари жаҳонда ҳали бор. Улар бизнинг коммунизм сари қолибона олға боришимизга ҳалақит бермоқчилар. КПСС янги Программаси проекти коммунизм сари борадиган йўлга нур сочиб турибди. Биз социалистик Ватанимизнинг мудофаа қобилиятини зўр бериб мустаҳкамлаймиз. КПСС XXII съезди шарафига олган социалистик мажбуриятларимизни тўла ва ошириб бажариш учун бутун кучимизни сарф қиламиз. (ЎзТАГ).



Барча совет кишилари каби обдастимизнинг меҳнаткашлари ҳам Никита Сергеевич Хрущевнинг Москва телевидениеси ва радиоси орқали сўзлаган нутқини зўр қиз билан ўрганимoқдалар. Сурда: Тошкентдаги газопарат заводда пех насаба союз комитетининг ранси ўртоқ К. Обечкин ҳукула азиз бошчилигининг нутқини ишчиларга ўқиб бермоқда. В. Салов фото.

„ОЛТИН КИТОБ“ ДЕВОЧАСИ

Осмонга боқаман: йўқ қиттак губор; Ўйларим чертади кўнглим торини. Боғбонга боқаман: юзда виқор. Ардоқлаб юрибди гулзорини... Қўёшга боқаман: мунча хотамтой, Юртимнинг бошидан сочар зарини. Наққошга боқаман; яратар чирой — Ганчларда тинчлигининг оқ наптарини... Замонга боқаман; тошмайман қиёс: «Аврора» суронини шарафоти бу! Инсонга боқаман, инсонга ҳалос, Арслар орасини шаҳодати бу!

Ҳаёт хур, инсон хур, давронимиз хур, Жаннатнинг жамоли — Диреримиздан... Юлдузлар гул ҳидлар баҳоримиздан... Бу учун мен кимга айтиш таянмак? Денинга ташаккур айтаюмиз лозим, Чунки у бахтишиз чароғбондир. Ленинин маҳд этсам жаранглар созим, Чунки у Баширининг отахонидир! Ҳаётини этмайман усиз тасаввур, Чингит иши уларим сув, ҳаво, ерси! Партия ва Ленин иккиси тенгкуч, Партия парвози бўлурки, Элсиз? Хизматини, иззатини дундирса ўғлон, Халқ рози бўлиб дер: «Отанга раҳмат!» Партия — юрт ўғли; жондош, соябон, Халқларнинг дилида тасанно беҳад! Партия дегани — гавҳар дегани; Бу сўзла пок инсон намолооти бор. Партия дегани — зафар дегани; Довулли денгизлар жасорати бор! Замоннинг идроки, шараф, номуси — Партия! Халқларга суяниш тоғдир.

Партия тарихи — ҳаёт қомуси, Қоронғи юртларга машъал чироқдир! Партия меҳрини кўёшга тенглаб, Қудратини океанга ўхшатсам, маммае! Халқимиз партия сўзларини тинглаб, Тақдирини ишонар-нисоли компас! Партия ишида, кураш, сўзида Ленининг нияти, халқ муроди бор. Коммунизм фасли Ерининг юзиди Жафокаш инсонга бахш этар баҳор! Шу учун партия сўзи муқтабар, Фаза ҳам ўқиди партия номи.

Партия дилларини этар мунаввар — Қитъадан-қитъага йўллаб саломини! Ижодкор, мададкор, ифтихоримиз! Партия шаънига, шон, дoston ё! У, сени ардоқлаб қилмоқда эълоз, Билдурисиз бўлурки гулбаҳоримиз? Чўпоннинг нийи бўл, ишчининг қалби. Уста пахтакор бўл, хизматларини ё! Шейринга сийгисин юраклар зарби, Олимпиадаларнинг ияларини ё! Улдувдор партиям, севаман жондан, Ўғлимман, буюргини хизматини ўтай! «Олтин китоб» ёзиб, Ўзбекистондан — Меҳрим чечакларини Съездга тутай! Кошқийди маҳнингни қоргога эмас, Инсонлар қалбига ёсам, ўчмасе! Шу учун ўйлайман маҳнинг ҳар нафас, Мармар хатлариндек сирни кўчмасе! Бу шеърим ўшанда бўлур дебоча, Илҳомларим ҳали тошар дарёча.

Евгений МИРЗА.

